

Намангон уездида Тўракўргон козиси ас-саййид-ул-хаж Исохон тўра афанди бир хакикий мусулмони комил эканини ўз ҳамкариялари билиб туруб, баъзи афкори содикона тарафдори ўлдуги учун кози афанди хирожи вос-вос деб таажжублануб, таън еткурадурлар. Лекин биз ўз фикри косиронамиз бирла тафаккурот эдуб, у жаноб козини жумла харакоту акли писандонасини маъкул топмокдин бошка йўлимиз йўк. Албатта йўк. Чунки Бокуда Хусайнзода жаноблари бир фикри содиконада бир гўшая чекди. Исохон тўра жаноблари эса бу гўшая чекмокни ҳам бошка фикр ила мардуд эдур. Чунки акли комил инсон дунёнинг сонсиз меҳнат ва андухлариндин ва чархи кажрафтор таъналариндин бир зарра кадар ўлсада малулият хосил эдмаз.

Исохон тўра саййидзода ҳам хожи ва олим ва фозил бир зоти олий ўлуб, бу турфа фазойили инсония молик ҳам хаттоти азимдур. Чунки мусулмонча хат ёзмокдин ўн етти навъ ёзув бирла калам юргузурлар. Бу осори каламия ва аклиясинда намунаи зотий демакка шоён бир санъати ўтган йил 1907 йилда жаноб Туркистон генерол губернаторига такдим килинуб, шойисталигига иккинчи даража почотной халат олгон эдилар. Мазкур фазойили инсониядин моада кози тўра жаноблари арабча, туркча, форсча, хиндча, русча лисон билуб, яна русча, французча, арманича ва бошка хатлар ёзмокка яна мохирдурлар. Баъзи ихтиролари ҳам бордур. Бу сўзумдин мурод Исохон тўрани элга танитмок ёки хушомад килмок эмас. Балки шул кадар инсония жамъ бўлган бир одамни мамнуъи бутун вилоятда бўлунмагани учун инсониятда адм ул-мисол эканини маданият хурмати учун ёзмок каламимга малол келмади ва мунча фазойили инсонияси орасиндаги ошикона ва хакирона ва гиряхезона шеърларини таъдид килмокка хусулим бўлмади. Йўкса, бир неча газетага ёзсам-да, хануз итмомига еткузмок мумкин бўлмаз. Мана ислом эътиқоди, фаранг фикрли, оврупо киёфали, мўмин инсон. Раҳмат анго!

Агар Исохон тўрага тобе кишлок фукаролари, яъни Тўракўргон бўлусти ахолиси мундок козийи инсониятпарварни билмасалар, минбаъд авсоли бадахлок, нафс овораси, мажнундин хароброк козига учраб, фалокат остида эзилмоклари хакикийдур. Кози тўрани(нг) фукаропарвар ва инсоф доирасинда хакшунослик ила ширин ва беозор халкуллохга килган муомалаи комилоналарини ёзмокка мажбур ўлдум. Хамда ёзмок шаънига лойик бир ишдур.

Хўканд, Даврон

[1] Ушбу макола биринчи ўзбек фотографи, шоир, публицист, маърифатпарвар Мираъзам Иброхим ўгли — Иброхим Даврон (1874—1922) каламига мансуб. Маколада Исохон Ибратнинг хаёти ва ижоди, маъ-рифатпарварлик фаолияти тўғрисида кимматли маълумотлар берилган.